

ЎЗА

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлат музейида Республика Маънавият-тарғибот маркази томонидан Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда «Фидойинг бўл-гаймиз сени, Ўзбекистон!» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда ёзувчилар, шоир ва санъаткорлар, маънавий тарғиботчилари, ҳарбий қисм аскарлари ва журналистлар иштирок этди.

Истиқдол ва ёшлар

Тадбирда сўзга чиққанлар энг улғу, энг азиз неъмат — мустақил-лигимизнинг тарихий аҳамияти ҳу-сусида сўз юритишди. Президен-тимизнинг жорий йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қарори халқимизга кўтаринки кай-фият бағишлагани таъкидланди.

— Қарорда белгиланганидек, «Маънавият — энг таъсирчан ва қудратли куралишимиз» деган та-моилга мувофиқ аҳолининг мада-ний савиясини юксалтириш бугун-ги куннинг энг долзарб вазифалари-дан бири бўлиб турибди, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти доценти Мухаммад-олим Мухаммадсиддиқов. — До-имий равишда ёшларни бугунги тинч ва оқилол кунларнинг кад-рига етиб яшашга даъват қилиши-миз зарур. Жаҳон миқёсида рако-бат, қарама-қаршилик тобора бе-шафқат тус олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм, «оммавий маданият» каби таҳдидлар кучайиб бораётган таҳликали замонда жа-ҳолатга қарши маърифат билан ку-рашиш, бу йўлда самарали ва таъ-сирчан усуллардан фойдаланиш барчамизнинг бурчимиздир.

Тадбирда Ватани, тинчликни, дўстликни тараннум этувчи куй ва қўшиқлар ижро этилди, истиқлолни мадҳ этувчи шеърлар ўқилди.

Тоштемир Худойкулов,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФУҚАРОЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Зангиота туманида «Инсон ман-фаатлари ҳамма нарсадан устун» мавзусида очик мулоқот ўтказил-ди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси де-путатлари, туман ҳокимлиги, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар-идаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши, бандлик бош бошқармаси, проку-ратура ва ИИБ, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси масъул ходимлари ҳамда жамоат-чилик вакиллари иштирок этди.

Зангиота туман аҳолиси ўзларини ўйлантираётган масалалар бўйича таш-килотлар раҳбарлари ва масъуллари билан юзма-юз мулоқот қилди.

«Мустақиллик» маҳалласида ис-тикомат қиламан, — дейди Алишер Бобокулов. — Маҳалламиздаги кўча анча пайтдан бери асфальт қилинмай келинмоқда. Шу масала ҳал этилса, яхши бўлар эди.

— Сиз айтган кўча ички йўллари таъмирлаш дастурига киритилган, — деди туман ҳокими Салим Шерматов. — Масаланинг яна бир томони борки, барча йўллари бир вақтнинг ўзида таъмирдан чиқариш имконияти йўқ. Шунинг учун маҳалла фуқаролар йи-ғини билан кўчаларнинг қайсисини биринчи навбатда таъмирлаш бўйича келишиб олинса, тўғри бўлади. Барча йўллари босқичма-босқич таъмирлаб борамиз.

— Қизим болалиқдан ногирон, — дейди Манзура Носирова. — Опе-рация қилдиришга маблағим йўқ, шунга ёрдам сўраб келгандим.

— Мазкур операцияни Тошкентда амалга ошириш мумкин, — дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хай-рия жамғармаси масъул ходими Мухаббат Йўлдошева. — Керакли ҳужжатларни олиб келсангиз, фарзан-дингизни бепул операция қилиш учун йўллама берамиз.

— «Истиқбол» кўчасида яшайман, кун ора икки соат сув келади, — дей-ди Феруза Каримбердиева. — Сув учун пулни вақтида тўлаймиз, лекин сув йўқ. Бизда яна бир муаммо бор-ки, сув кам келишига қарамай, аҳоли ўртасида ундан ноўрин фойдаланиш ҳолатлари кўп кузатилади. Мисол учун, тоза ичимлик суви билан томорқани



Феруза АЛИЕВ олган бўлат.

сўғоришади, машина ювишади. Нати-жада сув аҳолига етмайди.

— Осиё тараққиёт банкининг кре-дити эвазига Қибрай, Зангиота, Ян-гийўл туманларини сув билан таъмин-лаш бўйича махсус қарор қабул қилин-ди, — дейди туман ҳокими Салим Шерматов. — Унга асосан 2017-2018 йиллар давомида мазкур туманларда-ги тегишли иншоотлар тубдан янгила-ниб, сув таъминоти яхшиланади.

Туманимизда ичимлик сувига ўрна-тилган ҳисоблагич 5 фоизни ҳам таш-кил қилмайди. Ҳисоблагич бўлмаган-дан кейин фуқаро суви бепул иш-латаверади. Шу сабабли барча хона-донлар бир ой муддат ичида сув ҳисоблагич ўрнатиши бўйича таклиф бераман. Нархи қиммат эмас, сув таъ-миноти ходимлари ўрнатиб бериша-ди. Суви ҳисоб-китоб қилмайдиган бўлса, кимгадир сув етиб, кимгадир етмай қолиши мумкин.

Очиқ мулоқот давомида коммунал соҳадаги баъзи бир муаммолар аҳоли-нинг қарздорлигига бориб тақалаёт-ганлиги аниқ мисоллар билан келти-риб ўтилди.

— Туманимизнинг электрдан 257, газдан 130 миллиард сўм қарзи бор, — деди туман ҳокими. — 2016 йил бўйича туман аҳолисининг мол-мулк бўйича қарзи 9,5 миллиард сўмни таш-кил қилади.

— Юқорида фуқароларнинг

қарздорлик масаласи бўйича айтиб ўтдингиз. Лекин биз газ учун тўловни ҳар ой ўз вақтида тўлаб борамиз, — деди Феруза Каримбердиева. — Шунга қарамай, яқинда ўғлимнинг иш-хонасига газдан 900 минг сўмлик қарз-дорлик қозони келибди.

— Бу ерда англашилмовчилик юз бер-ган бўлса керак. Агар мазкур ҳолатга ўхшаган воқеалар шу ерда йиғилган бош-қа фуқароларда ҳам бўлса, рўйхатга олиб қўямиз ва газ бўйича вакилларга топи-риқ берамиз, масалага оидилик кир-итишди, — деди туман ҳокими.

— «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғинида 22 минг аҳоли истикомат қилади, — деди Каромат Тешабоева. — Лекин поликлиникамиз талаб дара-жасида эмас, шифокорлар етишмай-ди. Борлари ҳам пенсияга чиқиб ара-дасида. Беморларимиз узок ҳудудда жойлашган поликлиникада даволашни келишмоқда. Замонавий шароитларга эга поликлиника куриб бериш бўйича режа борми?

— Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳамда вилоят ҳокимлигига Гулистон поликлиникасини қишлоқ оилавий по-ликлиникасига айлантириш мақсади-да хат ёзганмиз, — деди «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғини «Қаш-қарлик» маҳалласи раиси вазифа-сини бажарувчи Эркин Пўлатов.

— Агар дастурга киритилса, бу ерда 20 ўринли кундузги стационар ташкил

қилиш имконияти бўлади. Шунингдек, Тошкент тиббиёт академияси ва Тош-кент педиатрия тиббиёт институти-нинг битирувчиларини ишга таклиф қилганмиз. Улар ўқини битиргандан сўнг, август ойидан бошлаб поликли-никада иш бошлайди, деган умидда-ман. Уларни уй-жой билан таъмин-лашга ёрдам берамиз.

Очиқ мулоқот давомида яна кўплаб мурожаат ва саволлар бўлди. Уларни ҳал қилиш юзасидан аниқ чоралар бел-гиланди.

— Сайёр қабуллар ташкил қил-ганимизда бир нарсаси амин бўлдимки, кўпгина муаммоларнинг илдизи маҳал-лага бориб тақалар экан, — дейди Зангиота тумани ҳокими Салим Шерматов. — Бундан ҳулосамиз шунки, маҳалла раисларининг фаоллигини оширишимиз зарур. Шунингдек, тўлов интизомини мустаҳкам қиладиган бўлса, кўпгина муаммолар вуқудга келишининг олдини олган бўламиз.

Аҳолини қўйнаётган муаммоларни чуқурроқ билиш мақсадида «Telegram» иқтимоий тармоғида саҳифа очганмиз. Ҳар кўни 30-40 нафар фуқаро ўзини қўйнаётган муаммолар ёки саволлар юзасидан мурожаат қилади. Уларни ҳал қилиш учун тегишли жойларга топи-риқ бериляпти.

— Очиқ мулоқотда мутасадди таш-килот раҳбарлари фуқароларнинг му-рожаатларини тўғридан-тўғри эшитди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракция-си аъзоси Акмал Умаралиев. —

Унда туман аҳолисининг уй-жой, йўл масаласи бўйича муаммолари кўпли-ги маълум бўлди. Ўйлаيمانки, туман ҳокимлиги ва партия ташкилотлари аҳоли мурожаатлари билан ишлашда ҳамкорлиқни кучайтиради. Кўтарилган масалаларни кечиктирмасдан ҳал этиш бўйича аниқ чора кўлаёди. Бу борада депутатлик назоратини кучай-тириш, ихросини ўрганиб бориш ва-зифаси зиммамизга юклатилган. Чун-ки шунчаки мулоқот ўтказиш билан чекланиб қолмай, аниқ натижа учун ишлашимиз, сайловчиларнинг му-рожаатлари, муаммоларига ечим топиш устида илзанишимиз, интилишимиз, курашимиз керак.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

ПАХТАКОР
ТАРКИБИ ЯНАДА
КУЧАЙДИ

Олий лига иккинчи даврасига тай-ёргарлик кўраётган Тошкентнинг «Пах-такор» клуби таркибига келиб қўшилган янги футболчиларни ОАВ вакилларига таништирди. «Пахтакор» марказий ста-дионининг анжуманлар залида бўлиб ўтган матбуот конференциясида клуб раҳбарияти, бош мураббий Шота Арве-ладзе ҳамда клуб сафига келиб қўшил-ган футболчилар — Элдорбек Сунонов, Шерзод Аъзамов, Забихилло Ўринбоев, Гиди Канюк (Исроил) ҳамда Тиаго Безерра (Бразилия) иштирок этди.

— Шота Арвеладзенинг таклифига кўра, «Пахтакор» клубига ўтдим, — дей-ди бразилиялик футболчи Тиаго Безерра. — Келгусида жамоа билан биргаликда кўплаб ғалабаларни кўлга киритамиз. Бу йил жамоани ОЧЛга қайтариб, келгуси йил совринлар учун курашиш ниятдамын.

— «Пахтакор»га ўтишимга асосий омил жамоада рўй бераётган ўзгариш-лар. Бу Ўзбекистон учун янгилик, — дейди Элдорбек Сунонов. — Клубда-ги рақобатдан қўрқмайман, бу биз учун фойдали бўлади.

Маълумот учун: Гиди Канюк 52, Тиаго Безерра 77, Элдорбек Сунонов 25, Шерзод Аъзамов 70, Забихилло Ўринбоев 71-рақамда ўйнайдиган бўлди.

Ўз мухбиримиз.

Эълон

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партия логотипи туширилган футбол-ка, футболка поло, ручка, блокнот каби тарғибот воситаларини тайёрлаш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун так-лифлар билан эълон чиққан сана-дан бошлаб, 28 июль соат 16.00га қадар куйидаги манзил бўйича му-рожаат қилиш мумкин:

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони, 5/3.

Телефонлар: (0-371) 239-18-49, 239-83-12

Реклама

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
МИЛЛИЙ БАНКИ

жисмоний шахслар учун миллий валютада янги муддатли омонатни амалга киритганлигини маълум қилади:

«Халқ манфаати»

- ❖ Омонатни сақлаш муддати — 6, 9 ва 12 ой.
- ❖ Бошланғич бадалнинг минимал миқдори — 5 000 000 сўм.
- ❖ Омонатга маблағ қабул қилиш нақд пул кўринишида амалга оширилади.
- ❖ Қўшимча бадаллар нақд пул кўринишида омонатнинг амал қилиш муддати давомида қабул қилинади.
- ❖ Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмайди.
- ❖ Омонатга маблағ қабул қилиш бошқа муддатли ёки жамғарма омонатларини қайта расмийлаштириш (бекор қилиш) ҳисобига амалга оширилмайди.
- ❖ Омонатга маблағ қабул қилиш 2017 йилнинг 15 августига қадар амалга оширилади.

ЖАМҒАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР
ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!

Қўшимча маълумотларни (0 371) 148-00-10, 235-42-83 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.uz

Хизматлар лицензияланган.

ЗАВОД «КРАНЫ И
СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- Ямобуры.
- Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Mustahiddin	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	MUHIDDINOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Saidkamol XODJAYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va faxborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbas aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxonamiz: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738
9319
nuxsada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 01:43
Topshirilgan vaqti — 03:10

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Safar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 4 5 6